

## **“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

Ўзбекистон Республикасининг  
Марказий банкида  
20014 йил “4” августда  
78-рақам билан рўйхатга олинган.

Марказий банк раисининг биринчи  
ўринбосари  
\_\_\_\_\_ У.М.Мустафоев

## **“АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ**

### **У С Т А В И**

(янги тахрирда)

“Агробанк” АТБ акциядорларининг  
2014 йил 20-июндаги умумий  
йиғилишида 29-сонли баённома билан  
тасдиқланган.

Банк кенгаши раиси ўринбосари

\_\_\_\_\_ М.Р. Абдуллаев

“Агробанк” АТБ  
акциядорларининг навбатдаги  
умумий йиғилишининг  
2014 йил 20-июндаги  
29-сонли мажлис баённомасига  
1-илова

## **“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг УСТАВИ**

### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. “Агробанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “банк” деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1084-сонли “Агробанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 мартдаги 89-сон “Агробанк” акциядорлик тижорат банки фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

2. Банк ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига ва қисқартирилган фирма номига эга.

Банкнинг фирма номи:

давлат тилида лотин ёзувида: тўлиқ - “Agrobank” aksiyadorlik tijorat banki; қисқартирилган номи - “Agrobank” АТБ;

давлат тилида кирилл ёзувида: тўлиқ - “Агробанк” акциядорлик тижорат банки, қисқартирилган номи - “Агробанк” АТБ;

рус тилида: тўлиқ - Акционерный коммерческий банк “Агробанк”, қисқартирилган номи - АКБ “Агробанк”;

инглиз тилида: тўлиқ - Joint stock commercial bank “Agrobank”, қисқартирилган номи - JSCB “Agrobank”.

Банк ўз фирма номидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эга.

3. Банк мулкӣ, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича ОАТБ “Пахтабанк”нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Банк устав капитали акциядорларнинг банкка нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган акциядорлик жамияти ҳисобланади.

5. Банк юридик шахс бўлиб, у ўзининг ҳудудий бошқармалари ва филиаллари билан ягона тизимни ташкил этади. Банк ўз мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

6. Банк ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлади.

Банк ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

7. Банк ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Давлат ва унинг органлари банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, ҳудди шунингдек банк ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

8. Банк давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан берилган лицензия асосида амалга оширади. Банк чекланмаган муддатга тузилади.

9. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Уставга амал қилади.

10. Банкнинг почта манзили: 100096, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43.

Банкнинг электрон почта манзили:

e-mail: [headoffice@agrobank.uz](mailto:headoffice@agrobank.uz);

internet: [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz).

## **2. БАНКНИНГ БОШ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ**

11. Банкнинг бош мақсади иқтисодиётнинг агросаноат сектори корхоналари ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаш бўйича комплекс хизматлар, шунингдек қишлоқ тадбиркорлари ва аҳолисига кенг кўламдаги сифатли банк

хизматларини қулай шароитларда илғор тажрибаларга таянган ҳолда кўрсатишдан иборат.

#### 12. Банк фаолиятининг асосий вазифалари:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг ўз ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

ҳалқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштиришдан иборат.

### **3. БАНКНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

13. Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги операцияларни амалга оширади:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;

кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шarti билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш;

маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш;

қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, миждоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Банк Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2014 йил 3 мартдада берилган LF серияли 000046-сонли лицензияга асосан лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

14.Банк Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида, бошқа ваколатли резидент ва норезидент банкларда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда пул маблағларини сақлаш ва ўз операцияларини амалга ошириш учун вакиллик ҳисобварағини очади.

#### **4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

15.Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида тижорат ташкилотларида иштирок этишга, уюшмалар (иттифоқлар)га ва бошқа бирлашмаларга бирлашишга;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар, шунингдек унинг ташқарисида шўъба банклар, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш;

ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўшма дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмаларда қатнашиш;

банкнинг филиаллари ва бошқа бўлинмалари томонидан операцияларни амалга ошириш шартлари ва тартибларини тасдиқлаш, депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини, жисмоний ва юридик шахсларга банк филиаллари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш;

шартнома асосида депозитлар ва кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб этиш ва маблағларни бошқа банкларда жойлаштириш;

ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан захиралар ва фондлар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

молия ва хўжалик органларида корхоналар ва ташкилотлар манфаатларини уларнинг ишончномалари бўйича ифодалаш;

ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг хўжалик фаолиятида қатнашиш;

лицензияда ва ушбу Уставда назарда тутилган, ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.

16. Банк қуйидагиларга мажбурдир:

маблағларни Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида захирага қўйиш ва белгиланган иқтисодий нормативларга риоя қилиш;

кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган тартибда ва миқдорларда захиралар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси бўйича операцияларни амалга ошириш;

гаровнинг (шу жумладан мол-мулк шаклидаги гаровнинг), бериладиган кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларнинг етарлилигини

ҳисобга оладиган ҳамда бериладиган кредитлар таъминланишининг ички норматив тартибини белгилаш;

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;

банкда ички аудит хизмати мавжуд бўлишини таъминлаш;

“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига риоя қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ банк сирини ёки бошқа сирни ташкил этадиган маълумотларнинг ошкор этилмаслигини таъминлаш.

## **5. БАНКНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ**

17.Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

18. Банкнинг устав капитали 263.523.498.200 (икки юз олтмиш уч миллиард беш юз йигирма уч миллион тўрт юз тўқсон саккиз минг икки юз) сўм бўлиб, қуйидагилардан иборат:

а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 228.650.868 (икки юз йигирма саккиз миллион олти юз эллик минг саккиз юз олтмиш саккиз) дона;

б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар 500.000 (беш юз минг) дона.

Банк акцияларининг номинал қиймати 1150 (бир минг бир юз эллик) сўм.

19.Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш ва/ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

Банкнинг устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турдаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Банк устав капиталини камайтиришга, агар бунинг натижасида унинг миқдори банк устав капиталининг қонунчиликда белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, ҳақли эмас.

Банк устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади.

## **6. БАНКНИНГ АКЦИЯЛАРИ ВА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

20. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардан иборат. Банк акцияси бўлинмасдир.

21. Банкнинг акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;

банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.



Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

22. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

23. Бир турдаги акция унга эгаллик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

24. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва мазкур Уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, банк тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ банк мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

25. Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек банк тугатилаётганда акцияларга кўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида банк уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

26.Банкнинг жойлаштирилган имтиёзли акцияларининг номинал қиймати банк устав капиталининг 20 (йигирма) фоизидан ошмаслиги лозим.

27.Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивиденд акция номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида белгиланади.

28. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очиқ обуна ўтказишга ҳақли.

Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, ёпиқ обуна ўтказиш имконияти қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

29.Банк акциядорлари реестрини сақлаш банк томонидан амалга оширилади.

30.Банк қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

Банк томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш банк Кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

31.Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

## **7. БАНКНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ**

32.Банкда банк устав капиталининг ўн беш фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

Банкнинг захира фонди белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

33.Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг захира фонди банкнинг зарарлари ўрнини қоплаш, банкнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банкнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Банкнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

34. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа фондларни ташкил этишга ҳақли.

35. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, банк активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

36. Фондларнинг маблағлари қонун ҳужжатларига ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомга асосан ишлатилади.

## **8. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ**

37. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

38. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

39. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор банк Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори банк Кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек мазкур Уставда дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

40. Дивидендлар банкнинг банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра банк ихтиёрида қолади.

41. Банк:

агар дивидендлар тўланадиган пайтда банкда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар банк соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, банк ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

42. Банк дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

## **9. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

43. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва банк Бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

44. Акциядорларнинг умумий йиғилиши банкнинг юқори бошқарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини банк Кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, банк Кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

45. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида банк Кенгашини ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисида, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ банкнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлари ҳисобланади.

46. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати банк Кенгаши томонидан белгиланади.

47. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

48. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) банкни қайта ташкил этиш;

в) банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) банк Кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) банкнинг устав капиталини кўпайтириш;

ё) банкнинг устав капиталини камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;

л) банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

м) банк Кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан банк Кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

н) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

о) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

п) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

р) баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида банк томонидан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) йирик битим тузиш масаласи бўйича банк Кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда банк томонидан йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

т) банк Кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлган ҳолларда банк томонидан битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

у) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар банк Бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

Мазкур Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар банк Кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

49.Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича қуйидагилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда банкнинг имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Ушбу Уставнинг 48-банди “б”, “в”, “г”, “д”, “к”, “п” ва “р” кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

50.Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Низомда белгилаб қўйилади.

51.Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

52. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

53. Банк Кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва мазкур Устав билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра банк Кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) банк Кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

54. Банк Кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига ҳамда иқтисодиётнинг агросаноат сектори корхоналарига кредит бериш ва уларни молиялаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ва қулайлигини оширишга йўналтирилган узоқ муддатли банк сиёсатини шакллантириш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналарга, шу жумладан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси ва “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси тизимига кирадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга юқори сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этишга ҳамда ички истеъмол бозорини юқори сифатли озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга кўмаклашиш мақсадида кредит бериш ва уларни молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

банкда замонавий корпоратив бошқарувни шакллантириш ва банк ижро этувчи органининг самарали фаолиятини таъминлаш;

банкнинг мақбул даражада капиталлашувини, ликвидлигини унга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ва мажбуриятларининг ўз вақтида амалга оширилиши учун етарли даражада сақлаб туриш;

универсал тижорат банки сифатида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга комплекс хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратиш;

қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган банк-молия инфратузилмасини фаоллаштириш ва кенгайтиришдан иборат.

55. Банк Кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

банкнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек банк уставига банкнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси банк Кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

банк Бошқарувини аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

банк Бошқаруви раҳбарини тайинлаш, у билан бир йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибни белгиловчи низомни тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

банк Бошқарувининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни банк Бошқарувидан олиш. Банк Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;



аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

банкнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

банкнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

банкнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

банкнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

банкнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш. Бундай қарор банк Кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда банк Кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди;

йирик битим тузиш масаласи бўйича банк Кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

аффилиланган шахс билан банк томонидан битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

Банк Кенгашининг ваколат доирасига “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

56. Банк Кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун банк Бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.

57.Банк Кенгашининг аъзолари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

Банк Кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

Банк Бошқаруви аъзолари ва банкда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган шахслар банк Кенгашига сайланиши мумкин эмас.

58.Банк Кенгаши таркиби ўн аъзодан иборат.

59.Банк Кенгашини тузиш, мажлисларни ўтказиш, овоз бериш ва қарорлар қабул қилиш тартиби Акциядорлар умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

60.Банк Кенгашининг раиси Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кенгаш аъзолари томонидан сайланади.

61.Банк Кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кенгаш мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

Банк Кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

62.Банк Кенгаши мажлиси банк кенгаши раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра ёки:

банк Кенгаши аъзосининг;

тафтиш комиссияси аъзосининг;

банк Бошқаруви аъзосининг;

банк ички аудит хизмати раҳбари;

банкнинг ташқи аудитори;

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки талабига кўра чақирилади.

63.Банк Кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кенгаш аъзолари белгиланган сонининг камида етмиш беш фоизини ташкил қилиши керак.

64.Банк Кенгашининг мажлисида қарорлар, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда, мазкур Уставда ва банк Кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи низомда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Банк Кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

65.Банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш ва/ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги ва банк уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Банк Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) банк Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

66.Банк Кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди. Банк Кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кенгаш томонидан қарор қабул қилишда банк Кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

67.Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

Банк Бошқаруви таркиби етти аъзодан иборат.

68.Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва кейинчалик банк Кенгаши тасдиғига киритилади. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки билан келишилган ҳолда банк Кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаси бир йил муддатга тузилади.

69.Банк Бошқаруви:

банкнинг жорий фаолиятига тезкор раҳбарликни ташкил этади, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан банк ҳамда банк Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижросини таъминлайди;

банк марказий аппарати таркибий тузилмалари, ҳудудий бошқармалари ва филиаллари раҳбарларининг банк фаолиятининг аниқ йўналишлари бўйича тегишли даврлар ҳамда ишлар учун фаолият якунлари тўғрисидаги, шунингдек улар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш натижалари юзасидан ҳисоботларини кўриб чиқади;

банкнинг иш амалиётига энг илғор банк технологиялари, банк ишларини комплекс автоматлаштириш лойиҳалари жорий этилишини ташкил этади, замонавий банк инфратузилмаси яратилишини таъминлайди;

банкнинг филиаллари ва бошқа алоҳида бўлинмалари тармоғини такомиллаштириш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади ҳамда амалга оширади;

банк мижозларига кўрсатиладиган хизматлар бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилайди;

зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида банк активларининг диверсификацияланишини амалга оширади;

банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки белгилаган иқтисодий нормативларга ҳамда мажбурий захираларни шакллантириш юзасидан талабларга риоя қилинишини таъминлайди;

банкнинг капитали ва ликвидли ресурслари етарли даражада бўлишини, активларни таснифлаш орқали эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини ташкил этади;

қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларнинг талаби бўйича молиявий ҳисоботни ва банк фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотларни уларга тақдим этади;

Акциядорларнинг умумий йиғилиш ва банк Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлайди;

банк Кенгаши олдида ҳар чоракда ва акциядорларнинг ҳисобот Умумий йиғилишида банк фаолиятининг молиявий натижалари учун ҳисобот беради;

банк Кенгашида кўриб чиқиш учун банкнинг бизнес режаси, банкни ривожлантириш стратегияси, харажатлар доираси ва банк Кенгаши ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар бўйича таклифлар киритади;

банк тизимида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан назорат қилади;

банкнинг жорий фаолияти масалаларини тартибга соладиган ички меъёрий ҳужжатларни қабул қилади, тасдиқланиши умумий йиғилиш ва банк Кенгаши ваколатига тегишли бўлган ички ҳужжатлар бундан мустасно;

ишчи органларни, шу жумладан банк қўмита ва комиссияларини тузади, уларнинг ваколатларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

филиални бошқариш бўйича вақтинча бошқарувни ёки банкнинг ваколатли вакилини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади;

баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизигача бўлган миқдордаги битимларини тузиш тўғрисида қарорларни қабул қилади. Банк Бошқаруви банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан битимларни тузиш билан боғлиқ ваколатларини банкнинг қўмита ва комиссиялари, ҳудудий бошқармалари, филиаллари, шўъба ҳамда тобе корхоналарига бериши мумкин;

банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмасини тасдиқлайди;

ҳар йили банкнинг кредит режасини шакллантиришда молиялаштириш мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларининг пухта танлаб олинишини, самарадорлиги комплекс баҳоланишини ва экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўзини ўзи қоплаши, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда натижалари тўғрисида ҳар чоракда банк Кенгашига ахборот беради;

“Ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ҳомийлик ва хайрия ишларини амалга оширади.

70. Банк Бошқаруви раиси:

банкнинг кундалик фаолиятига тезкор раҳбарлик қилади;

банк номидан уставга асосан ишончномасиз иш юритади;

бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда банкнинг манфаатларини ифодалайди;

банк номидан битим ва шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномаларини тузади;

банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф қилади;

банк номидан ҳаракат қилиш учун ходимларга ишончномалар беради;

банкнинг марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар, филиаллар, ваколатхоналар, шўъба ва тобе корхоналар раҳбарларини тайинлайди, лавозим ойлик маошларини белгилайди ҳамда уларни лавозимидан озод қилади;

штатларни тасдиқлайди;

банк фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида банкнинг ташкилий-бошқарув тузилмасига ўзгартиришлар киритади,

ходимларни рағбатлантиради, уларга нисбатан интизомий жазоларни қўллайди, шунингдек интизомий жазоларни олиб ташлайди;

банкнинг таркибий тузилмалари ҳақидаги низомлар ва лавозим мажбуриятларини тасдиқлайди;

Бошқарув раиси ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ўз ваколати доирасида банк тизимида бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни беради.

71. Банк Бошқаруви раиси билан меҳнат шартномасини банк номидан банк Кенгаши раиси имзолайди, Бошқарув раисининг ўринбосарлари, Бошқарув аъзолари ва банк бош бухгалтери билан меҳнат шартномаларини банк Бошқаруви раиси имзолайди.

72.Банкнинг ҳудудий бошқармалари ва филиаллари раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки билан келишган ҳолда банк Бошқаруви томонидан тайинланади. Бошқарув раиси банк номидан банк филиаллари раҳбарлари билан меҳнат шартномалари тузади.

73.Банк ходимлари билан қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставга мувофиқ банк Бошқаруви раиси, ҳудудий бошқармалар бошлиқлари ёки банк филиали бошқарувчилари меҳнат шартномаси тузадилар.

74.Банк Бошқаруви ва банкнинг таркибий тузилмалари раҳбарлари банк ҳисоботидаги ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

75.Банк Кенгаши ва Бошқарувининг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларининг банк олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

76.Банк Бошқарувини тузиш, мажлисларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартиби Акциядорлар умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган низом билан тартибга солинади.

## **10. БАНК ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМЛАР ТУЗИШ**

77.Банк томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

Йирик битим банк Акциядорларининг умумий йиғилиши ёки Кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин банк Бошқаруви томонидан амалга оширилади.

## **11. БАНКНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ**

78.Банк ягона тизим бўлиб, у ташкил этадиган ҳудудий бошқармалар, филиаллар, шўъба корхоналар, минибанклар, шунингдек ваколатхоналардан ташкил топади.

79.Банкнинг ҳудудий бошқармалари, филиаллари ва минибанклари юридик шахс ҳисобланмайди. Уларнинг мажбуриятлари юзасидан банк жавоб беради.

Ҳудудий бошқармалар, филиаллар ва минибанклар ўз фаолиятини ўрнатилган тартибда тасдиқланган низом асосида юритади.

Банк филиалларини рўйхати мазкур Уставга илова қилинади.

## **12. БАНКНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ**

80.Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

81.Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик банк Бошқарувининг зиммасида бўлади.

82.Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкӣ манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

83.Банк ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ҳажмда, муддатларда ва тартибда амалга оширади, шунингдек ўзи томонидан эмиссия қилинадиган қимматли қоғозларга тегишли бўлган ахборотни эълон қилади.

84.Банк ўз молиявий ҳисоботларини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки белгиладиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қилади.

85.Банкнинг молиявий йили 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

86.Банк банк фаолияти давомида шаклландиган ҳужжатларнинг лозим даражада ҳисобга олиниши, сақланиши ва ундан фойдаланилишини таъминлайди.

Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддат мобайнида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди.

### **13. БАНК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

87.Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади.

88.Банк тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айтилган банкнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

89.Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида банк Кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

90.Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, банк Кенгашининг ташаббусига кўра ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра банк Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

91.Ўз функцияларини бажариш пайтида Тафтиш комиссияси куйидагиларни амалга оширади:

банк мол-мулкни тафтишдан ўтказиш, уларни банк молиявий ҳужжатлари ва бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

банк номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

банкнинг молиявий-хўжалик, банк фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидаларга риоя қилинишини текшириш;

банкнинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга лаёқатлилигини, активларининг ликвидлилигини, ўз ва жалб қилинган маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, заҳиралар яратиш, банк бошқаруви органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлат солиқ ва статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун банк баланси, ҳисобот ҳужжатларининг тўғри тузилганлигини текшириш.



92.Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра банкнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади ва хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

93.Банк тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

94.Банкда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати банкнинг жорий фаолияти устидан назорат амалга оширади. Ички аудит хизмати банк Кенгашига ҳисобдордир.

95.Банк ички аудит хизмати банк Бошқаруви, филиаллар ва ваколатхоналар томонидан қонун ҳужжатларига, банк уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек банкни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали банк Бошқаруви, филиаллар ва ваколатхоналар ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

96.Банкнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

97.Банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилотини жалб қилади.

Аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

98.Аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун банк олдида жавобгар бўлади.

99.Банкда банк Кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи банк корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

100.Банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти банк Кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

#### **14. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ**

101.Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

#### **15. БАНК УСТАВИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

102.Банк Устави, шунингдек унга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида рўйхатга олинади.

#### **16. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

103.Ушбу Уставда назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**Банк Бошқаруви раиси**

**А. Тамикаев**

“Агробанк” АТБ филиалларининг рўйхати

Филиалнинг тўлиқ номи	Жойлашган жойи
<b>Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси</b>	
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали	230100, Нукус шаҳри, А.Шомуротова кўчаси, 101
Беруний филиали	230200, Беруний тумани, Беруний шаҳри, Кат кўчаси
Бўстон филиали	231600, Эллиқалға тумани, Бўстон шаҳри., Ш.Рашидов кўчаси, 23
Кегейли филиали	230500, Кегейли тумани, Кегейли шаҳри, Дўстлик гузари, 57
Қонликўл филиали	230300, Қонликўл тумани, Қонликўл шаҳри, Дўстлик кўчаси, 20
Қораўзак филиали	230400, Қораўзак тумани, Қораўзак шаҳри, Қорақалпоғистон кўчаси
Қўнғирот филиали	230600, Қўнғирот тумани, Қўнғирот шаҳри, Бабаниязов кўчаси
Мўйноқ филиали	230800, Мўйноқ тумани, Мўйноқ шаҳри, Бердах кўчаси, 13
Манғит филиали	230700, Амударё тумани, Манғит шаҳри, Бердах кўчаси, 11
Оқманғит филиали	230900, Нукус тумани, Оқманғит шаҳри, Дарсан кўчаси, 40
Тахтақўпир филиали	231100, Тахтақўпир тумани, Тахтақўпир шаҳри, Дўстлик гузари кўчаси, 62-уй
Тўрткўл филиали	231200, Тўрткўл тумани, М.Еримбетов кўчаси, 3-уй
Тахиатош филиали	231000, Тахиатош шаҳри, Қорақалпоғистон Республ. 50 йиллиги кўчаси
Хўжайли филиали	231300, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси
Чимбой филиали	231400, Чимбой тумани, Эрназар-Аллакоз кўчаси
Шуманай филиали	231500, Шуманай тумани, Ажинияз кўчаси, 54-уй
<b>Андижон вилоят бошқармаси</b>	
Андижон вилоят ҳудудий филиали	170100, Андижон шаҳри, Пушкин кўчаси, 47-уй
Асака филиали	170200, Асака шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй
Бўз филиали	170400, Бўз тумани, Бўз шаҳарчаси, А.Икромов кўчаси, 131-уй
Булоқбоши филиали	170500, Булоқбоши тумани, Тошкечик кўчаси, 30-уй
Балиқчи филиали	170300, Балиқчи тумани, Балиқчи қишлоғи, Балиқчи шохкўчаси, 9-уй
Қўрғонтепа филиали	170700, Қўрғонтепа тумани, Қўрғонтепа шаҳри, К.Юнусов кўчаси, 8-уй
Куйганёр филиали	170600, Андижон тумани, Куйган ёр шаҳарчаси, У.Юсупов кўчаси, 23-уй
Қорасув филиали	170708, Қорасув шаҳри, Бобур шохкўчаси, 142-уй

Марҳамат филиали	170800, Марҳамат тумани, Муҳитдинов кўчаси, 109-уй
Охунбобоев филиали	171100, Жалақудук тумани, Ўзбекистон кўчаси, 41-уй
Олтинкўл филиали	171000, Олтинкўл тумани, Туркистон шоҳ кўчаси, 6-уй
Оқолтин филиали	170900, Улуғнор тумани, Оқолтин қишлоғи, Мустақиллик кўчаси, 1-уй
Пахтабод филиали	171303, Пахтабод тумани, Амир Темир кўчаси, 8-уй
Пойтуғ филиали	171200, Избоскан тумани, Пойтуғ шаҳри, Э.Кобулов кўчаси, 3-уй
Хўжабод филиали	171400, Хўжабод тумани, Хўжабод шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 125-уй
Шаҳрихон филиали	171600, Шаҳрихон шаҳри, Шаҳрихон шоҳ кўчаси, 2-уй
<b>Бухоро вилоят бошқармаси</b>	
Бухоро вилоят ҳудудий филиали	200107, Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд кўчаси, 151/2-уй
Вобкент филиали	200300, Вобкент тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 20 а уй
Жондор филиали	200600, Жондор тумани, М.Торобий кўчаси, 187-уй
Қоракўл филиали	200800, Қоракўл тумани, Тошкент кўчаси, 5-уй
Қоровулбозор филиали	200900, Қоровулбозор тумани, Бобур кўчаси, 17-уй
Олот филиали	200200 Олот тумани, Шифокорлар кўчаси, 20-уй
Ромитан филиали	201000, Ромитан тумани, Баҳористон кўчаси, 68-уй
Галлаосиё филиали	200400, Бухоро тумани, М.Мухсин кўчаси, 56-уй
Ғиждувон филиали	200500, Ғиждувон тумани, Б.Нақшбанд кўчаси, 3-уй
Шофиркон филиали	201100, Шофиркон тумани, Мустақиллик кўчаси, 11-уй
Янгибозор филиали	201200, Пешку тумани, Мустақиллик кўчаси, 1-уй
<b>Жиззах вилоят бошқармаси</b>	
Жиззах вилоят ҳудудий филиали	130100, Жиззах шаҳри, Байналмилалчилар кўчаси, 18-уй
Арнасой филиали	130200, Арнасой тумани, Ғолиблар қургони, Халқлар дўстлиги кўчаси, 3-уй
Ғаллаорол филиали	130400, Ғаллаорол тумани, Ғаллаорол шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 27-уй
Дўстлик филиали	130500, Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 38-уй
Зомин филиали	130800, Зомин тумани, Мустақиллик кўчаси, 54-уй
Зарбдор филиали	130600, Зарбдор тумани, Янгимаҳалла кўчаси
Зафаробод филиали	130700, Зафаробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй
Мирзачўл филиали	130300, Мирзачўл тумани, Гагарин шаҳри, Анолбоев кўчаси, 1-уй
Пахтакор филиали	130900, Пахтакор тумани, Пахтакор шаҳри, Жабборов кўчаси, 23-уй
Учтепа филиали	131100, Жиззах тумани, Учтепа қургони, Х.Носиров кўчаси, 151-уй
Усмат филиали	131000, Бахмал тумани, Усмат қургони, 9-май кўчаси, 5-уй
Янгиқишлоқ филиали	131200, Фориш тумани, Янгиқишлоқ қургони, Э.

	Ниязов кўчаси, 2-уй
<b>Қашқадарё вилоят бошқармаси</b>	
Қашқадарё вилоят ҳудудий филиали	180100, Қарши шаҳри, А.Навоий кўчаси 2-уй
Бешкент филиали	180200, Қарши тумани, Бешкент шаҳарчаси, Ҳамза кўчаси, 1- уй
Батош филиали	180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 3-А уй
Деҳқонобод филиали	180400, Деҳқонобод тумани, Қарашина кўрғони, М.Улуғбек кўчаси, 7-уй
Китоб филиали	180700, Китоб тумани, Китоб шаҳарчаси, Буюк ипак йўли кўчаси, 18-уй
Қамаши филиали	180500, Қамаши тумани, Қамаши шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 4-уй
Косон филиали	180800, Косон тумани, Косон шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 1-уй
Муғлон филиали	180600, Касби тумани, Муғлон кўрғони, А.Темур кўчаси, 7-уй
Муборак филиали	180900, Муборак тумани, Муборак шаҳарчаси, Занжирсарой кўчаси, 22/4-уй
Помуғ филиали	180000, Миришкор тумани, Помуғ қишлоғи, Б.Арниёзов кўчаси, 4- уй
Ғузор филиали	180300, Ғузор тумани, Ғузор шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 10- уй
Шаҳрисабз филиали	181300, Шаҳрисабз тумани, Шаҳрисабз шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 2- уй
Чирокчи филиали	181200, Чирокчи тумани, Чирокчи шаҳарчаси, Охунбобоев кўчаси, 19- уй
Яккабоғ филиали	181400, Яккабоғ тумани, Яккабоғ шаҳарчаси, А.Темур кўчаси, 49- уй
Янгинишон филиали	181100, Нишон тумани, Янгинишон шаҳарчаси, 2- митти туман, Нодирабегим кўчаси, 3- уй
Янгимиришкор филиали	180000, Миришкор тумани, Янгимиришкор кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 5- уй
<b>Навоий вилоят бошқармаси</b>	
Навоий вилоят ҳудудий филиали	210100, Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси, 104- уй
Томдибулоқ филиали	210800, Томди тумани, Томдибулоқ кўрғони, Микротуман, 15- уй
Нурота филиали	210700, Нурота тумани, Нурота шаҳри, Амир Темир кўчаси, 10- уй
Конимех филиали	210500, Конимех тумани, Конимех шаҳри, Абай кўчаси, 46-уй
Янгиработ филиали	211000, Хатирчи тумани, Янгиработ шаҳри, Пулкан шоир кўчаси, 99-уй
Кармана филиали	210600, Кармана шаҳри, К.Раҳимов, бр-7
Кескантерак филиали	210200, Навбахор тумани, Бешработ кўрғони, Бобуршоҳ кўчаси, 10- уй
Қизилтепа филиали	210400, Қизилтепа тумани, Ўзбекистон кўчаси, 6- уй
<b>Наманган вилоят бошқармаси</b>	

Наманган вилоят ҳудудий филиали	160103, Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳ кўчаси, 23- уй
Жумашўй филиали	160200, Мингбулоқ тумани, Жумашўй шаҳри, Ойбек кўчаси, 2- уй
Косонсой филиали	160300, Косонсой шаҳри, А.Навоий кўчаси, 7- уй
Давлатобод филиали	160116, Наманган шаҳри, Ғалабининг 50 йиллиги кўчаси, 19-уй
Поп филиали	160500, Поп шаҳри, Дўстлик кўчаси, 35- уй
Тўрақўрғон филиали	160700, Тўрақўрғон шаҳри, Ал-Ғарғоний кўчаси, 4- уй
Тошбулоқ филиали	160600, Наманган тумани, Тошбулоқ шаҳри, Муस्ताкиллик кўчаси, 5-уй
Уйчи филиали	160800, Уйчи шаҳри, А.Навоий кўчаси, 5- уй
Учқўрғон филиали	160900, Учқўрғон шаҳри, Дўстлик кўчаси, 28- уй
Ҳаққулобод филиали	160400, Норин тумани, Ҳаққулобод шаҳри, Беруний кўчаси, 8- уй
Чуст филиали	161100, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 12- уй
Чортоқ филиали	161000, Чортоқ шаҳри, А.Навоий кўчаси, 5- уй
Янгиқўрғон филиали	161200, Янгиқўрғон шаҳри, Муस्ताкиллик кўчаси, 1- уй
<b>Самарқанд вилоят бошқармаси</b>	
Самарқанд вилоят ҳудудий филиали	140100, Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 4- уй
Булунғур филиали	140200, Булунғур тумани, Ўзбекистон кўчаси , 82- уй
Гўзалкент филиали	140504, Пастдарғом тумани, Гўзалкент кўрғони, А.Навоий кўчаси, 4- уй
Гулобод филиали	140300, Самарқанд тумани, Гулобод кўрғони, Гулобод кўчаси 5- уй,
Жомбой филиали	140400, Жомбой тумани, Жомбой шаҳри, Арчазор хиёбони, 1-уй
Жума филиали	140500, Пастдарғом тумани, Жума шаҳри, С.Урдашев кўчаси, 16- уй
Зиёвуддин филиали	140600, Пахтачи тумани, Зиёвуддин кўрғони, М.Райимқулов кўчаси, 10- уй
Иштихон филиали	140700, Иштихон тумани, Иштихон шаҳри, А.Темур хиёбони, 1- уй
Кўшработ филиали	140900, Кўшработ тумани, Г.Ғулом кўчаси, 34- уй
Каттақўрғон филиали	140800, Каттақўрғон шаҳри, А.Темур кўчаси, 6- уй
Лоиш филиали	141000, Оқдарё тумани, Лоиш шаҳарчаси, А.Темур кўчаси, 38- уй
Нуробод филиали	141100, Нуробод тумани, А.Темир кўчаси , 4 уй
Оқтош филиали	141200, Нарпай тумани, Оқтош шаҳри, А.Темур кўчаси, 4- уй
Пайшанба филиали	141400, Каттақўрғон тумани, Пайшанба кўрғони, А.Навоий кўчаси, 2а- уй
Челак филиали	141324, Пайариқ тумани, Челак шаҳри, Т.Маннонов кўчаси, 2-уй
Сиёб филиали	140101, Самарқанд шаҳри, Истикбол кўчаси, 2а- уй
Пайариқ филиали	141300, Пайариқ тумани, Нариман кўрғони, Пайариқ

	50 йиллиги кўчаси, 4- уй
Ургут филиали	141600, Ургут тумани, Ургут шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 102-уй
Тойлоқ филиали	141500, Тойлоқ тумани, Амир Темур кўчаси, 14- уй
<b>Сирдарё вилоят бошқармаси</b>	
Сирдарё вилоят ҳудудий филиали	120100, Гулистон шаҳри, Н.Маҳмудов кўчаси, 21-уй
Боёвут филиали	120200, Боёвут тумани, Боёвут кўрғони, Тинчлик кўчаси, 10-уй
Дехқонобод филиали	120300, Гулистон тумани, Дехқонобод шаҳарчаси, Туркистон кўчаси, 4-уй
Меҳнатобод филиали	120700, Ховос тумани, Қаҳрамон кўрғони, 26-уй
Наврўз филиали	120900, Мирзаобод тумани, Наврўз кўрғони, Форобий кўчаси, 1-уй
Пахтаобод филиали	120800, Сардоба тумани, Пахтаобод кўрғони, Дўстлик кўчаси, 20-уй
Сирдарё филиали	120600, Сирдарё шаҳри, Хондамир кўчаси, 1-уй
Сайхунобод филиали	120400, Сайхунобод тумани, Сайхун кўрғони, Навоий кўчаси, 8-уй
Сардоба филиали	120500, Оқолтин тумани, Сардоба кўрғони, Дўстлик кўчаси, 2-уй
Фарҳод филиали	120700, Ховос тумани, Фарҳод -5 даҳаси, Мустақиллик кўчаси
Ширин филиали	120100, Ширин шаҳри, А.Темур кўчаси, 9-уй
Янгиер филиали	121000, Янгиер шаҳри, Самарқанд кўчаси, 4-уй
<b>Сурхондарё вилоят бошқармаси</b>	
Сурхондарё вилоят ҳудудий филиали	190100, Термиз шаҳри, А.Навоий кўчаси, 9- уй
Ангор филиали	190200, Ангор тумани, Ат-Термизий кўчаси, 64-уй
Бандихон филиали	190300, Бандихон тумани, А.Навоий кўчаси,6-уй
Бойсун филиали	190400, Бойсун тумани, Бойсун шаҳри, Олмазор кўчаси, 42-уй
Денов филиали	190500, Денов тумани, Мустақиллик кўчаси, 2-уй
Жарқўрғон филиали	190600, Жарқўрғон тумани, Ўзбекистон кўчаси, 6- уй
Қорлиқ филиали	190700, Олтинсой тумани, Қоратепа қишлоғи
Қумқўрғон филиали	190900, Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон кўчаси, 1- уй
Музробод филиали	191300, Музробод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 2- уй
Сариосиё филиали	191000, Сариосиё тумани, Сариосиё кўрғони, М.Улуғбек кўчаси, 41-уй
Учқизил филиали	191200, Термиз тумани, Степная кўчаси, 1- уй
Узун филиали	191100, Узун тумани, Ёшлик кўчаси, 1- уй
Шеробод филиали	191400, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 111- уй
Шўрчи филиали	191500, Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 40- уй
Янгийўл филиали	190800, Қизирик тумани, Янгийўл кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 3- уй
<b>Фарғона вилоят бошқармаси</b>	
Фарғона вилоят ҳудудий	150100, Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 11- уй

филиали	
Бағдод филиали	150200, Бағдод тумани, Охунбобоев кўчаси, 12-уй
Бешариқ филиали	150300, Бешариқ тумани, Бешариқ шаҳри, Олтин водий кўчаси, 85- уй
Водил филиали	150400, Фарғона тумани, Водил шаҳарчаси, А.Тошматов кўчаси,1- уй
Данғара филиали	150500, Данғара тумани, Тошкент кўчаси, 1- уй
Ёзёвон филиали	150600, Ёзёвон тумани, Андижон кўчаси, 1- уй
Қорақушчи филиали	151100, Охунбобоев тумани, Лангар кўрғони, Ш.Рашидов кўчаси, 6- уй
Қувасой филиали	150900, Қувасой тумани, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 72- уй
Қува филиали	150800, Қува тумани, Қува шаҳри, Қайкубод кўчаси, 282-а уй
Қўқон филиали	150700, Қўқон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 34- уй
Марғилон филиали	151100, Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 172- уй
Олтиариқ филиали	151200, Олтиариқ тумани, Олтиариқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 3- уй
Риштон филиали	151300, Риштон тумани, Риштон шаҳри, Темиров кўчаси, 12-уй
Сўх филиали	151400, Сўх тумани, Амир Темир кўчаси, 34- уй
Тошлоқ филиали	151500, Тошлоқ тумани, Тошлоқ шаҳарчаси, А.Навоий кўчаси, 165- уй
Учкўприк филиали	151600, Учкўприк тумани, Наврўз кўчаси, 165- уй
Фурқат филиали	151700, Фурқат тумани, Иттифоқ кўчаси, 1-уй
Янгикўрғон филиали	151900, Бувайда тумани, Дўстлик кўчаси, 3- уй
Яйпан филиали	151800, Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳри, Жомий кўчаси, 1-уй
<b>Тошкент вилоят бошқармаси</b>	
Тошкент вилоят ҳудудий филиали	100128, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 9- уй
Бўка филиали	110600, Бўка тумани, Бўка шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 19- уй
Гулбаҳор филиали	112001, Янгийўл тумани, Гулбаҳор кўрғони, Ш.Рашидов кўчаси, 3- уй
Дўстобод филиали	110900, Қуйичирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 154- уй
Зафар филиали	111000, Бекобод тумани, Зафар кўрғони, Гагарин кўчаси, 15- уй
Оқкўрғон филиали	110400, Оқкўрғон тумани, Оқкўрғон шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1- уй
Оҳангарон филиали	110300, Оҳангарон шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 5- уй
Пскент филиали	111400, Пскент тумани, Пскент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1- уй
Паркент филиали	111300, Паркент тумани, Паркент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 80- уй
Тўйтепа филиали	111500, Ўртачирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 11- уй



Чиноз филиали	111600, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 20-уй
Янгибозор филиали	111900, Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор кўрғони, Мустақиллик кўчаси, 106- уй
Янгийўл филиали	112000, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 154- уй
<b>Хоразм вилоят бошқармаси</b>	
Хоразм вилоят ҳудудий филиали	220100, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 25- а уй
Боғот филиали	220300, Боғот тумани, Ўзбекистон кўчаси, 4-уй
Гурлан филиали	220200, Гурлан тумани, Бобур кўчаси, 14- уй
Кўшкўпир филиали	220600, Кўшкўпир тумани, Мустақиллик кўчаси, 55- уй
Қоровул филиали	220500, Урганч тумани, Қоровул қишлоғи, Мустақиллик кўчаси, 9-уй
Питнак филиали	220400, Хазорасп тумани, Питнак шаҳарчаси, С.Давидов кўчаси, 2-уй
Хазорасп филиали	220700, Хазорасп тумани, Мустақиллик кўчаси, 42-уй
Хонқа филиали	220800, Хонқа тумани, О.Бобожонов кўчаси, 5-уй
Хива филиали	220900, Хива тумани, Дашек қишлоғи
Шовот филиали	221000, Шовот тумани, Шовот шаҳарчаси, Замахшарий кўчаси, 19- уй
Янгиариқ филиали	221100, Янгиариқ тумани, Урганч кўчаси, 6-уй
Янгибозор филиали	221200, Янгибозор тумани, Ж.Мангуберди кўчаси, 4- уй
<b>Тошкент шаҳри</b>	
Банк операциялари бошқармаси	100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 43-уй

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки раисининг  
биринчи ўринбосари  
У. Мустафоевга**

**Хурматли Улуғбек Мавлонович !**

Сизга 2014 йил 20-июнда бўлиб ўтган “Агробанк” акциядорлик тижорат банки акциядорлари умумий йиғилишининг 29-сонли мажлис баёнига асосан тасдиқланган янги таҳрирдаги банк Устави рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилмоқда.

Илова:

Акциядорлар умумий йиғилишининг 2014 йил 20-июндаги 29-сонли мажлис баёни уч нусхада.

“Агробанк” АТБнинг янги таҳрирдаги Устави уч нусхада.

**Хурмат билан,**

**Кенгаш раиси ўринбосари**

**М.Р. Абдуллаев**

**Келишилди:**

А. Тамикаев

Н. Джиянов

И. Аманов

Р. Маматкулов

А.Шеров

Ш. Мирзаев

З. Худойкулов

Д. Содикова